Коррупциявйи хавф-хатарларни аниқлаш, олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича

МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга карши курашиш агентлиги фаолиятида коррупцияга оид ҳукукбузарликларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва чек кўйиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил килиш ва бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш тузилманинг асосий вазифаларидан бири хисобланади.

Ўтган давр мобайнида Агентликда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш юзасидан сезиларли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, номзодларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш бўйича махсус комиссия томонидан меритократия, шаффофлик ва эркин рақобат тамойиллари асосида ўтказилган очиқ танловлар асосида Агентликнинг ходимлар таркиби шакллантирилди.

Агентлик фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, шунингдек, жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида Агентлик ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди, унинг вазифалари ва ваколатлари белгилаб берилди, шунингдек, жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими жорий этилди.

Агентлик ҳаёти ва фаолияти ҳакида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий-веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва каналлари орқали мунтазам равишда янгиланиб борилмоқда.

Шу муносабат билан, коррупцияга карши курашиш фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда, тизимли, максадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган, Агентлик тизимида Коррупцияга карши курашиш дастури қабул қилинди.

Дастурда белгиланган топшириқлар белгиланган муддатида амалга ошириб борилмоқда.

Шу билан бирга Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси ишлаб чиқилди.

Мазкур харитага мувофиқ таркибий тузилмалардаги коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар руйхати шаклантирилди.

Шунингдек, коррупция хавфига энг кўп мойил функция ва лавозимларда хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бундан ташқари ҳисобот даври мобайнида 18 та ички идоравий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди.